

Диний таълим муассасалари муаллимлари ва талабаларининг моддий таъминоти оширилади



11:00 / 21.09.2021 1132

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Олий ҳайъатининг махсус Қарори билан Олий ва Ўрта махсус ислом билим юртлари муаллимлари ойлик маошлари ва стипендиялари

20 сентябрдан бошлаб қарийб икки баробар ошириладиган бўлди.

Ҳайъат, шунингдек пандемия шароитида мураккаб молиявий вазиятга тушиб қолган масжидлар ходимларига ҳам молиявий кўмак кўрсатиш тўғрисида тегишли қарор чиқарди.

Дарҳақиқат, аҳли илмга кўмак табаррук динимиз аҳкомларидан бири ва олижаноб халқимизнинг азалий одатидир.

Манба: Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати